

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148 сонли Фармони асосида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаа, кутубхоначилик, ахборот-ресурс соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мавжуд ҳуқуқий-норматив ва моддий-техник базани такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бошқарувнинг бозор муносабатларига ҳос усуллари кенг қўллаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ташкилий тузилмаси

1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларининг тузилмалари 3- ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори зарур ҳолларда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тузилмаларига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларини сақлаш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини сақлаш, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан олиниши.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республи-

каси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти давлат корхонаси давлат кўчмас мулки объектларида ижара тўловисиз жойлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассислигидаги "Тонг юлдузи" ва "Класс!" газеталари ҳамда "Гулхан" ва "Гунча" журналларини нашр этиш билан боғлиқ харажатларнинг мазкур нашрлар ўз даромадлари билан таъминланмаган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун зарур бўлган маблағларни 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрлари доирасида ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уйда жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бир ой муддатда, ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва фаолият йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшб қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Ўшб қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 17 август

АҲОЛИГА ЯНАДА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
18 август куни Бекобод шаҳрида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифини "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятидан бошлади.

Мамлакатимизнинг энг йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири бўлган ўшб комбинатда қора металл парчалари ва чикиндилар қайта ишланиб, тайёр прокат маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Президентимиз корхонанинг махсус цехлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Корхонада катта ҳажмдаги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Умумий қиймати қарийб 635 миллион долларлик олти лойиҳа устида иш олиб боришмоқда.

Қора металл парчалари ва чикиндиларни қайта ишлаш лойиҳаси шулардан бири. Мазкур лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушгач, 138,2 минг тонна қора металл маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш имкониятини беради, қарийб 3 минг иш ўрни яратилади.

Амалга оширилаётган лойиҳалардан бирига биноан пўлат эритиш ва қуйиш мажмуасини қуриш ва иссиқ ҳолатда пўлат листлари ишлаб чиқариш ташкил этилади. Мазкур лойиҳани икки босқичда бажариш мўлжалланган.

Шавкат Мирзиёев комбинат ишчи-ҳодимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизиқди.

Яқинда Олмалик шаҳрида бўлди. Олмалик ва Бекобод металлургия шаҳри ҳисобланади. Улар Тошкент вилоятининг саноати ривожланган ҳудудларидан. Шундай экан, иккала шаҳар-

ни ҳам бирдек ривожлантиришимиз, бу ерда яшаётган аҳолини рози қилишимиз керак. Бу борада икки шаҳар ўртасида ривожланиш мусобақаси эълон қиламиз. 2017 йилнинг 1 сентяб-ридан 2018 йилнинг шу давригача иккала шаҳарнинг ривожланиш тенденцияларини кузатиб борамиз. Бу икки металлургия комбинати ўртасида эмас, шаҳарлар ўртасидаги соғлом рақобат бўлади. Бозордаги нарх-наводан тортиб, аҳоли турмуши учун яратилаётган барча шароитлар инобатга олинади. Янги корхона ишга тушадими, янги иш ўрни яратиладими, барчасини эътиборга олиб борамиз. Бу каби соғлом рақобат икки шаҳарнинг жадал ривожланишида муҳим роль ўйнайди, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш энг катта масала. Биз ёшларга мактабгача таълим муассасасидан бошлаб замонавий таълим беришимиз, уларни муносиб тарбиялашимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Бекобод шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли "Шуҳринг" номи 5-мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрди. Болаларга яратилган шароитлар билан танишди.

Тошкент вилоятида мактабгача таълим муассасаларининг бугунги ҳолати ҳақида маълумот берилди. Бугунги кунда Тошкент вилоятида 406 мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Уларга 61 минг 755 бола

қамраб олинган.

Давлатимиз раҳбари Бекобод шаҳри мисолида бошқа ёшдаги болаларни тўлиқ мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Бунда ҳусусий боғчаларга кенг ўрин бериш керак.

Мактабгача таълимда бола шахсини ривожлантиришга қўйиладиган давлат талабларининг асосий йўналишлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бунда болаларнинг жисмоний ривожланиши, ўзига-ўзи хизмат қўратиши, ижодий-эстетик қобилияти, дунёқарашини бойитиш, нутқини ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи давомида мунтазам равишда аҳоли билан мулоқот қилиб, одамларнинг турмуш шароити билан қизиқди, уларни қийнаётган масала ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратади. Бекобод шаҳридаги "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Металлургия" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли билан учрашувда ҳам бу ўзифодасини топди. Ширкатга қарашли 8 кўп қаватли уйдаги 234 хонадонда 750 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг том қисми таъмирдан чиқарилган, ертўласидаги эски қуурлар тўлиқ алмаштирилган, уйларга рақамли замонавий эшиклар ўрнатилиб, қулатув камералари билан жиҳозланган. Бу ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлашга хизмат қилмоқда. Уйлар атрофида замонавий болалар майдончалари қурилган.

Аммо ҳудуд аҳолисини қийнаб келаятган муаммолар ҳам етар-

ли. Яъни уйларда иссиқлик тизими ишламайди. Бундай ҳолат нафақат ўшб ширкат, балки қарийб бутун Бекобод шаҳрига хос. Тоza ичимлик суви таъминоти ҳам аҳолини қийнаётган муаммолардан. Ичимлик суви мавжуд бўлса-да, сифати талабга жавоб бермайди.

Президентимиз Навоий вилоятидаги "Ariston thermo – UTG" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган газ иситиш қозонларини лизинг асосида уйларга ўрнатиш кераклигини таъкидлади.

Барча ишларимиз халқни рози қилиш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган, деди Шавкат Мирзиёев. Шунинг учун Бекобод шаҳридаги иссиқлик тизими билан таъминланмаган барча кўп қаватли уйларни индивидуал газ иситиш қозонлари билан таъминлаймиз, унга сарфланмаган зарур маблағлар ажратамиз. Хонадонларга ўрнатиладиган газ иситиш қозонлари аҳолига лизинг асосида берилади.

Халқимиз олдида қарзимиз кўп, деди Президентимиз маҳалла аҳли билан учрашувда. Уларнинг дардини эшитиш, муаммоларини ҳал этиш учун янги тизим жорий этилди. Яъни ҳар бир туман-шаҳарда ҳоким, прокурор, солиқ бўлими бошлиғи, ички ишлар бўлими раҳбари ҳудудларга бўлиниб, муаммоларни ҳал қилади. Улар ўзига қарашли ҳудуддаги ҳар бир хонадонга кириб муаммоларини ўрганади, бошқа мактаб, шифохона ва бошқа муассасалар фаолиятидаги камчиликларни ҳал этишга кўмаклашади. Ҳар уч ойда бир марта Президентга ҳисобот беради.

Давоми 2-бетда. ➡

ЭЛГА ЯРАШГАН ЭЗГУ ҚАДРИЯТ

Бугун мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари бошланди

Халқимизнинг ўзига хос, олижаноб удумлари жуда кўп. Ҳашар – меҳр-оқибат, ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва ўзаро бегараз ёрдам каби инсоний фазилатларни тараннум этувчи азалий қадриятларимиздан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозаллик ойлари, 19-20 август кунлари умум-

халқ хайрия ҳашари, деб эълон қилинди.

Давлатимиз мустақиллигининг қутлуг 26 йиллик тўйини нишонлашга катта ҳозирлик қўйлаётган айни дамларда бундай умумхалқ

ҳашари ўтказилишида ўзига хос маъно мужассам. Бинобарин, чоратрофи ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, ёлғиз қариялар, ногиронлар, эҳтиёжманд оилалардан хабар олиш, уларга беиминат ёрдам кўрсатиш каби эзгу ишлар юртдошларимизнинг байрамона хуш қайфиятига айна ҳамоҳангдир.

Давоми 2-бетда. ➡

❑ «Энг улуг, энг азиз»

ЮРТ ИШҚИ – ИЛҲОМ МАНБАИ



Оҳангарон тумани марказидаги маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуг 26 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг улуг, энг азиз" аънавий кўрик-танловининг вилоят босқичи қолибларни тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма олти йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, "Фидоийинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" деган улугвор шior остида ташкил этилган танловда вилоятимизнинг 100 га яқин ижодкорлари фаол қатнашишгани бу галги кўриқнинг нуфузи ва қамров кўламини яна ҳам кенг бўлганини кўрсатди. Вилоятимиз ижодкорлари ўзларининг бадиий, публицистик, тасвирий санъат ва фото, телера-

диожурналистика йўналишидаги ижодий ишларида мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўли, кўз ўнгимиздаги асрларга татигулик юксалишлар, айниқса, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида замондошларимиз тафаккурдаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати, шунингдек, диёримизнинг жаннатноманд табиати, кўркам ва обод манзиллари мадҳ этишга катта масъулият ва маҳорат билан ёндошишга интиланлари эътиборга моликдир.

Давоми 2-бетда. ➡

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Тошкент вилояти ҳокими Шуқрулло Бобоев "ЕВРОЦЕМЕНТ груп" халқаро саноат холдинги президенти раҳбарлигидаги делегация вакиллари қабул қилди.

❑ Учрашув

Тадбирда "Оҳангарон-цемент" акциядорлик жамияти базасида энергия тежовчи "қуруқ усул"да цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги завод лойиҳасини амалга ошириш масаласи муҳокама қилинди.

Учрашув чоғида мамлакатимизда давлатимиз раҳбарияти томонидан истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, хорижий инвесторлар ва бизнес вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Томонлар мазкур лойиҳа Ўзбекистондаги қурилиш комплексларининг цементга бўлган эҳтиёжи

тобора ўсиб бораётгани, бунёд этилаётган саноат объектларининг юқори иқтисодий самарадорлиги, унинг Европа стандартлари бўйича меъёрий талабларга мослиги нуктаи назаридан муҳим эканини ҳам инобатга олмоқда. Қолаверса, янги завод маҳсулотини ишлаб чиқаришда энергияни тежовчи усулдан фойдаланиши ва юқори сифат талабларига мослиги билан рақобатбардош ҳисобланади.

"ЕВРОЦЕМЕНТ груп" халқаро саноат холдинги цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган дунёдаги энг йирик бешта компаниядан биридир. Бу холдинг Россия, Украина

ва Ўзбекистондаги 19 та цемент заводи, бетон ишлаб чиқариш ва кониши бўйича қатор заводларни бирлаштирган. Унинг мутахассислари металлургия, цемент, энергетика саноати, қишлоқ ҳўжалиги каби энг муҳим соҳалардаги ташкилотлар ва объектларни лойиҳалаштиришда катта тажрибага эга.

"Оҳангаронцемент" акциядорлик жамияти мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш бўйича энг илғор корхоналардан биридир. У 2006 йилда "ЕВРОЦЕМЕНТ груп" таркибига киритилган. Бу ташкилот цемент, шифер, минерал толарлар, пишган гишт, акустик плиталар,



Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

қуурлар каби кўплаб қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Айни пайтда бу жамиятнинг "Ангрен" эркин иқтисодий зонасига киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

Хорижий инвесторлар ва ишбилармон доиралар вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш маҳаллий бозордаги сифатли қурилиш молларига бўлган талабни қон-

дириш, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

АҲОЛИГА ЯНАДА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Оддий одамлар бугунги кунда бўлаётган ўзгаришларни сезиши керак. Улар эртага эмас, бугун яхши яшашни истайди. Уларга бугун яхши шароит яратиб беришимиз керак. Барча амалга ошираётган ишларимиздан кўзланган мақсад-муддао ҳам шу, деди Шавкат Мирзиёев. Бугун эришаётган ютуқларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлиги самарасидир. Биргаликда фидойилик билан ишласак, бундан-да катта ютуқларга эришамиз.

Одамларнинг яхши яшаш учун қулай шароит яратиш, зарур ҳаётини воситаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, иш билан таъминлаш – демографик ўсиш суръати юқори бўлган мамлакатлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолиси 32 миллион 345 мингдан ошди. Аҳоли сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Бунини Бекобод шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда шаҳар аҳолиси 90 мингдан зиёд. 2035 йилга бориб аҳоли нufуси 110 мингга етиши кутилмоқда. Бу ўз-ўзидан "демографик ўсиш" талабларини бажаришни тақозо этади.

Хўш, бу вазифа қандай ва ниманинг ҳисобига бажарилди? Президентимиз Бекобод шаҳрининг 2035 йилгача мўлжалланган бош режаси тақдиротида асосий эътиборни айтиш шуниси масаласига қаратди.

Кайд этилганидек, аҳоли турмуш фаровонлиги – меҳнат бозоридagi вазиятни барқарорлаштириш, бандлик соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматларини тақомиллаштириш, шаҳар инфратузилмасини тубдан янгиллаш, кичик саноат зонаси фаолиятини йўлга қўйиш сингари муҳим ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш билан таъминланади.

◀◀ Бошланғич 1-бета.

Хусусан, 2017-2018 йилларда умумий қиймати 3,8 триллион сўмлик 179 лойиҳа амалга оширилди, қарийб 5 минг аҳоли доимий иш жойига эга бўлади.

Янги мавзела қурилади, кўп қаватли уйлар қад ростлайди.

Уйлар Ўзбекистон металлургия комбинати ва Бекобод цемент заводи ишчилари учун тижорат банкларининг кредити ҳисобидан қурилади. Ҳар йили ўртача 1 минг 200 хонадон фойдаланишга топширилади. Мавзеладаги биринчи уйларни бир йилдан сўнг, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур уй-жойлар атрофида боғ яратиш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш объектлари қуриш, бир сўз билан айтганда, мўъжаз шаҳарча барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди. Шаҳарча тез ва қисқа фурсатда бунёд этиш кераклигини таъкидлаб, уни "Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви", деб номлашни таклиф қилди.

Бекобод шаҳрида жорий йилда ҳар бири 42 хонадонга мўлжалланган етти қаватли иккита уй қурилмақда. 2018 йилда худди шундай яна 10 кўп қаватли уй-жой барпо этилиши режалаштирилган. Шаҳар марказий шифохонаси биноси 1964 йилда қурилган, бугунги кунда таъмирталаб бўлиб қолган. 2017-2018 йилларда бу ерда 12 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Бир миллион долларлик тиббий жиҳозлар келтирилиши кўзда тутилмоқда.

Аҳолига янада кенг қулайлик яратиш мақсадида Тошкент – Бекобод йўналишида электричка катновини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Халқимизда "қадрлаган – қадр топар", деган нақл бор. Хотирлаш эса ҳаётдан кўз юмганларни эслаш ва уларнинг ҳақиқа хайрли дуолар қилишдир. Президентимиз

Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Мухтор Миркомилонинг турмуш ўртоғи бевақт вафот этгани муносабати билан ўтказилаётган таъзия маросимида иштирок этиб, хонадон эгаларига чуқур ҳамдардлик билдирди, сабр-тоқат тилади. Мутасадди раҳбарларга бошига мусибат тушган ушбу оиллага кўмак кўрсатиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш одадийлигининг энг олий мезонидир. Президентимизнинг ушбу теран маъноли сўзлари ҳаётимиздан тобора кенг ўрин эгалламоқда. Давлатимиз раҳбарининг амалий фаолиятида, ташаббус ва тақдирларида бу ҳақиқат яққол намоён бўлмоқда. Бу Бекобод шаҳар аҳолиси вакиллари билан бўлган учрашувида ҳам яна бир бор ўз ифодасини топти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида "Металлург" маданият саройида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ва Бекобод шаҳри фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойлардаги Халқ қабулхоналари аҳоли билан мулоқотнинг муҳим тизими айланиши, турли масалаларга ўз вақтида ечим топилиб, одамларни рози қилаётгани таъкидланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилётгани қайд этилди. Аҳолига барча зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини янгиллаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.



ЮРТ ИШҚИ – ИЛҲОМ МАНБАИ

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов, Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Л. Тангриев, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси раиси И. Латипов, Ўзбекистон халқ шоири М. Тоиров ва бошқалар бундай нуфузли анжуман ва танловлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида адабиёт, санъат, маданият ва маънавият соҳаларига ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилиб, ижод аҳлига алоҳида рағбат ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим бир йўналишига айланиб бораётганини яна бир тасдиғи эканлигини таъкидлади.

Бинобарин, шу кунларда қабул қилинаётган бир қатор ҳужжатлар санъат ва маданият, адабиёт, медиа соҳани янада раванқ топтириш, ижодкорлар меҳнатини

◀◀ Бошланғич 1-бета.



ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни янги-янги ижодий марралар сари руҳлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўрик-танлов якунларига кўра, матбуот, телевидение ва радио ҳодимларнинг журналистик ишлари, ёзувчи-шоирларнинг бадиий ижод намуналари, рассомлар ва фото санъати усталарининг тасвирий санъат ҳамда фото асарлари йўналишларида пойтахт вилоятида яшаб ижод қилаётган 15 га яқин ижодкорлар танлов ғолиб ва совриндорлари қаторида эътироф этил-

ди. Босма оммавий ахборот воситалари йўналишида ғолиблик "Оҳангарон ҳаёти" газетаси муҳаррири Беҳзод Қобуловга насиб этган бўлса, Юқори чирчиқлик иқтидорли қаламкаш Латифжон Мансуров бадиий ижод йўналишида биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Ғолиблар орасида таҳририятимиз ҳодимлари Ҳамидулла Убайдуллаев ва Нодирбек Тоҳиров ҳам бор. Ҳамкасбларимиз вилоят ҳаёти, юрдошларимиз турмуш тарзи, меҳнат муваффа-

қиятлари акс эттирилган ижодий ишлари билан тегишлича бадиий публицистика, фото-дизайн йўналишида совриндор бўлдилар.

– "Энг улуг, энг азиз" танловида илк бор иштирок этишим, – дейди Нодирбек. – Танлов мен учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтагандан манунман. Танловга тақдим этилган ишлар, бошқа ҳамкасбларим ижоди билан таниша туриб, Ватан ишқи битмас-туганмас илҳом манбаи эканини дилдан ҳис этдим.

Равшан МИРЗАКУЛОВ ва Нодирбек ТОҲИРОВ олган суратлар.

КЎПНИ КЎРГАНЛАР ИБРАТИ

Бекобод туманидаги 16-Мусиқа ва санъат мактабида фуқаролар йиғинлари раисларининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари учун ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Семинар

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини асосида маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларнинг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари, 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ эса, ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий этилиб, ушбу ўринларга бой ҳаётий тажрибага эга бўлган фидойи замондошларимиз сайланган эди. Янгидан ташкил этилган мазкур лавозимларда фаолият бошлаганлар учун ушбу ўқув семинари айтиш мумкин бўлди.

Намунали тарзда ташкил этилган мулоқотда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, ёшлар иттифоқи, Маънавият ва маърифат маркази, хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими, ички ишлар бошқармаларининг туман бўлиmlари вакиллари, маҳалла раислари, раисларнинг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.

Ўқув машғулотига маҳаллаларда ёшларни маънавий ва jisмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлоднинг мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳамда уюшмаган ёшлар билан ишлашда давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, "Оила – маҳалла – таълим муассасаси"

ҳамкорлиги механизмининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди. Ушбу йўналишлар бўйича белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлашдаги вазифалар, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, кексалар ва фахрийлар масалалари бўйича ўринбосарлар учун ўтказилган машғулотларда маҳаллаларда ижтимоий фол меҳнат фахрийлари томонидан вояга етмаганлар, айниқса, профилактик ҳисобга олинган, жиноят содир этган, уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизимини шакллантириш, ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда тўйлар ва бошқа маросимларни ихчам, миллий қадриятларимизни ҳисобга олган ҳолда ўтказилишини таъминлашда уларнинг олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида фикр юритилди.

Амалий машғулот давомида ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маҳаллаларда осойишталикни мустаҳкамлаш, кексаларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самардорлиги атрофлича таҳлил этилди.

Семинар якунида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар, йўл қўйилган қамчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Азизбек ХУДОЙҚУЛОВ.



ЭЛГА ЯРАШГАН ЭЗГУ ҚАДРИЯТ

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ ва шаҳарлар, маҳаллалар, аҳоли тураржойларини орасталаш, юртимиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни янада яхшилаш мақсадида ўтказилаётган умумхалқ ҳашарида вилоятимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимиз муносиб тарафдор бўлиши.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгашидан маълум қилинишича, умумхалқ ҳайрия ҳашарида шаҳар ва туманларимиздан бир ярим миллион нафарга яқин аҳоли иштирок этиши кутилмоқда.

◀◀ Бошланғич 1-бета.

рлади. 1 минг 600 дан зиёд махсус техника воситалари ёрдамида қарийб 7 минг 750 тонна маиший ва қурилиш чиқиндис белгиланган жойларга олиб борилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 800 нафар, шундан 100 нафарга яқин ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳомилар томонидан муруват ёрдами кўрсатилади. 700 га яқин кўп болали ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Мухтасар айтганда, ободонлаштириш ва тозаллик ойлғи ҳамда умумхалқ ҳайрия ҳашари кунлари амалга оширилиши режалаштирилган ўзаро беғараз ёрдам, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари мустақиллик байрамини муносиб нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш, аҳолининг байрамонга қайфиятини янада кўтариш, ҳудудлар инфратузилмасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Анъанага мувофиқ, вилоятимиздаги қорхона ва ташкилотлар ходимларининг бир кунлик иш ҳақларини ўз ташаббусларига кўра "Маҳалла" ҳайрия жамоат фондининг вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказиладилар. Ушбу маблағлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўмак бериш ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш каби эзгу мақсад ва саъй-ҳаракатлар рўйи учун йўналтирилади.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими ҳисоб рақами: 20212000600132942001, ЧЭКИ "Hamkorbank" Яқкасарой филиали МФО 01013, ИНН 200548395, ОКОНХ 98600.

Август – ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой

Бу йил Бекобод тумани деҳқонлари 14 минг 700 гектар майдонда гўзанинг "Султон", "Буҳоро-102" ва бошқа истеҳсолоти навларини экиб, шу кунларда асосий эътиборни парварнига қаратмоқда.

"Қурбонбек агро фаз" фермер хўжалиги деҳқонлари ке-



ЎЗА КҮН САНАЙДИГАН ДАМЛАР

йинги йилларда пахта ва ғалла етиштиришда ўзига хос тажриба тўплади. Эндиликда улар ҳудудда пешқадамлар қаторида тилга олинади. Ўтган йили давлат шартнома режасини

ортиги билан бажарган хўжалик аъзолари бу йил ҳам 24 гектар майдонда бўғдойдан мўл ҳосил кўтарди. Қабул пунктларига режадаги 60 тонна ўрнига 73 тонна сара дон етказиб берилди. Ортиги фермер хўжалиги иштирокида қолди. Қисқаси, оғир ҳам, хирмон ҳам донга тўлди.

Хўжаликнинг аҳил жамоаси яхши ниятлар билан жорий йилда 25,7 гектар ерга чигит қадаган эди. Тулиқ униб чиққан ниҳолларни бегона ўтлардан тозалаш, култивация, чопиқ қилиш, суғориш ишларига алоҳида эътибор билан ёндошилди. Айни кунларда хўжалик далаларида ишлар авж паллада. Шу кунгача гўзаларга 3 марта сув таралди, 5-6 марта култивация қилинди, озиклантириш ҳам белгилан-

ган меъёрлар бўйича ўтказилмоқда. Баравж ривожланиётган гўзаларнинг ҳар бирида 8-10 тадан кўсак бор. Кўсакка айланган ҳосил нишонларининг ҳисоби йўқ. Ҳозирги жазирама кунларда экинни чанқатиб қўйиш ҳосилни бой беришга олиб келади. Бунини яхши билган Абдулла Қаландаров, Абдуғофур Холматов каби сувчилар кеча-ю кундуз гўзани оби ҳаётга қондириш билан банд. Механизатор Мирза Қўшмонов агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда қатор ораларига сўнгги марта ишлов бермоқда.

– Август ойи – ҳосил тақдирини ҳал қилувчи муҳим палладир. Ахир, бободоҳқонларимиз "Асад – экиннинг яса", деб бекорга айтишмаган. Бу ойда гўзанинг ҳосилига ҳосил

қўшилади, ҳолати кун сайин ўзгаради. Яъни, шоналар гуллаб, гуллар кўсакларга айланади, – дейди хўжалик иш бошқарувчиси Неймат Қувватов. – Бунини чуқур ҳис этган жамоамиз аъзолари айни долзарб дамларда кунни тунга улаб меҳнаб қилмоқда.

Ҳа, деҳқон меҳридан яшанётган гўзаларни кўриб, баҳри дилингиз очилади. Миришқорларнинг бу йилги мўлжали ҳам чакки эмас. Мўл ҳосил ишқиде жонбозлик билан тер тўқаётган азаматларнинг хирмони баракали бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Ашурлар ҲАМЗАЕВ.

СУРАТДА: иш бошқарувчи Неймат Қувватов сувчилар Доғий Холматов, Абдулла Қаландаров ва Қобил Қўшмоновлар билан гўзанинг шу кунги ҳолатини кўздан кечирмоқда.

Мансур ХИММАТОВ ва Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 21.00. Босишга топширилди - 00.45.